Ушбу сонда:
2 Таажжуб! ФАОЛИЯТ ЭСКИ НИЗОМ АСОСИДА...
3 TV — ДАСТУРИ
4 АНДИЖОН СПОРТИ: МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

*Қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2001 йил 19 октябр, жума № 163 (1177)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БАНК ВА ТАДБИРКОР ҲАМКОРЛИГИ

### ўз самарасини бермоқда

***Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис, республикамиз раҳбарияти бу соҳага алоҳида эътибор билан қарамоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқининг асосий қисми хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бағишлангани фикримиз далилидир.***

Бугунги кунда банк тизими хусусий тадбиркорлик тузилмалари билан самарали ҳамкорликда ишлай бошлади. Ўтган давр мобайнида ишбилармонларни кредитлаш учун хориждан 455 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб этилди. Бунда республикамизнинг нуфузли молия ташкилотларидан бири бўлган «Пахта-Банк»нинг ҳам ҳиссаси каттадир. Хусусан, банк кейинги икки-уч йил ичида бу соҳага кўплаб чет эл сармоясини жалб қилишда иштирок этди.

Яқинда яна бир янгиликка қўл урилди. Банкнинг лойиҳаларни молиялаштириш бошқармаси ходимлари Оврупо тараққиёт ва тикланиш банкининг катта кредит маслаҳатчиси Сабина Джўрмал хоним билан биргаликда барча вилоятларга чиқиб, лойиҳалар бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Улар Нукус, Урганч, Термиз, Қарши, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Гулистон ва Жиззах шаҳарларида бўлишди. Тадбиркорлар билан учрашув чоғида уларнинг кредит олиш бўйича аниқ лойиҳалари кўриб чиқилди. Ходимлар кредитларни таҳлил қилишнинг янги усуллари билан таништирилди.

Тадбиркорлар бу учрашувларга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Сабаби, улар учун чет элдан асбоб-ускуна сотиб олиб, ўз фаолиятини кенгайтириш ёки янгидан иш бошлаш имконияти туғилди. Аввалроқ эса улар банк бўлимларига келиб ёки телефон орқали кўплаб саволлар билан мурожаат қилишар, муаммолар бўйича маслаҳатлар сўрашарди.

Хорижий валютада кредит олишнинг асосий шартларидан бири — бу лойиҳа қийматининг 25 фоизи миқдорида ўз капиталига эга бўлишдир. Мазкур маблағ бино, иншоот, бевосита лойиҳада иштирок этадиган хом ашё ёки пул маблағлари кўринишида намоён бўлиши мумкин. Ана шунда тадбиркор 50000 дан 3000000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда кредит олиши мумкин.

Бу ерда ўз капитали ва лойиҳага эга бўлган тадбиркорлар қайси мақсадлар учун қарз олишлари мумкин, деган савол туғилади. Айтиш мумкинки, эркин айирбошланадиган валютадаги кредитлар маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда чет элдан асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида берилади. Бунга уларнинг нархи, транспорт харажатлари, ускунани ўрнатиш ҳамда маҳаллий ходимларни ўқитиш каби жараёнлар киради. Шунингдек, ушбу қарз ҳисобига бошланғич босқичда зарур бўлган хом ашёни сотиб олиш мумкин.

«Пахта-Банк» кредитларни 5 йилгача муддатга беради. Бунга бир ярим йилгача бўлган имтиёзли давр ҳам қўшилади. Бу дегани тадбиркор бир ярим йил давомида фақат кредитдан фойдаланганлиги учун фоизларни тўлаб боради. Асосий қарз эса имтиёзли даври тугаганидан сўнг қайтара бошланади.

Учрашувларда баъзи лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳужжатлар ҳам тайёрланди. Масалан, Самарқанд вилоятида битта лойиҳа «Пахта-Банк» ва ОТТБ томонидан маъқулланди. Айни чоғда тадбиркорлар банкка қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан тортиб, автоустахона учун ускуналар сотиб олишгача бўлган турли хил лойиҳалар тақдим этишмоқда.

***Кичик ва ўрта бизнес миллий юксалишга эришишнинг ўта муҳим омили***

Учрашувларда ишбилармонлар кредитни қайтаришда сўмдаги тушумларни конвертация қилиш масаласи билан қизиқишди. Бу ерда айтиш мумкинки, банкда очилган халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари бўйича ҳукумат кафолатлари мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра хориж сармояси ҳисобидан кредит олган корхоналар қарзни қайтариш вақтида сўмдаги тушумларини конвертация қилиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳаларни танлаш, таҳлил қилиш ва амалга оширишда чет эл сармоялари иштирокидаги мазкур учрашувлар ўз самарасини ҳозирданоқ бера бошлади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





Яратувчилик меҳнати, изланиш, ташаббускорлик муваффақият бош омилидир. Буни Андижон вилоятидаги йирик тикувчилик корхоналаридан бири — «Антекс» акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда юқори сифатли йигирув маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Агар корхона тўла қувват билан ишга тушса яна кўплаб кишилар доимий иш билан таъминланади.

**Суратларда: ўз касбининг усталари Одинахон Аҳмедова ва Наргиза Эшонқулова.**

**Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ИЙМОНИ БУТУН, ИРОДАСИ БАҚУВВАТ ХАЛҚМИЗ!

### ЭЗГУЛИК ҒАЛАБАСИ МУҚАРРАР

Аллоҳ одамзотни буюк ва суюк қилиб яратди. Дунёдаги барча гўзал нарсаларни унинг камолига, ҳаётига бахшида этди. Инсоният эса бойиш ва манфаат, мартаба учун иккига ажралди: яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик кураши асрлар оша давом этди. Дунё эса инсониятнинг ана шу курашлари орасида эврилиб яшайверди. Ёмондан дод қолди, яхшилар эса эзгу ишлари билан оламни зиёга буркадилар.

АҚШда халқаро террорчилар томонидан содир этилган ёвузлик ва унинг оқибатларини кўриб, хаёлимдан ана шундай фикрлар ўтди. Жаҳолатнинг ўлчови, мезони бўлмаганидек, ёвуз ва қонхўрликнинг миллати, иймон-эътиқоди йўқ. Уларга Ватан, Она, фарзанд туйғуси, миллат фахри деган муқаддас тушунчалар бегона. Улар ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш учун имкон қидирадилар, йўл ахтарадилар, пайт пойлайдилар. Терроризм — эзгулик душмани сифатида халқлар ўртасида низо чиқариб, осойишталикка, дўстликка, тинчликка раҳна солади, бегуноҳларни қақшатиб, ёмонларга ҳомийлик қилади. У инсониятнинг лоқайдлигидан етилиб чиққан иллат. Президентимиз бу иллатни таг-томири билан қуритиш ҳақида мўътабар минбарлардан туриб сўзладилар, дунё аҳлини огоҳликка, ёвуз иллатга қарши биргаликда курашга чақирдилар.

Йиллар ўтгани сари ёвузлик лоқайдликдан, қаерлардадир унга нисбатан эътиборсизликдан куч олиб урчиди, кўпайиб бораверди... Террорчиларнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларидаги ёвузликларидан дунё аҳли жунбушга келди, терроризмнинг илдизини қуритиш учун бирлашди, эзулик тантанаси йўлидаги курашга отланди. Зинҳор-базинҳор бу кураш афғон халқига қарши қаратилган эмас, балки афғон халқини ҳам терроризм чангалидан озод этиш учун бошланган саъй-ҳаракатдир. Бу ёвуз куч муқаддас динимизни ниқоб қилиб, жафокаш афғон халқини ҳам не-не азобларга гирифтор қилаётгани бугун барчамизга маълум. Шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий, давлат арбоби Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо каби аллома бобокалонларимизнинг руҳлари терроризм асоратидан чирқиради, муборак хоклари қўйилган шаҳарларда уруш олови ёнди. Оналар чирқираб, болалар бошпанасиз қолди. Америка Президенти Жорж Буш мамлакат ёшларини Афғонистондаги тенгдошларига кўмакка даъват этганида, самолётлар орқали афғон қочоқларига уюштирилаётган инсонпарварлик ёрдами адолат тантанаси сифатида баҳоланди. Бу адолат, бирлик, бирдамлик олдида ёвузлик албатта мағлубиятга учрайди, эзгулик тантана қилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Барча эрксевар халқлар қатори бизнинг ҳам ниятимиз Афғонистонда тезроқ тинчлик-хотиржамлик бўлсин, жафокаш халқ терроризм исканжасидан озод бўлиб, хавф-хатардан ҳоли бўлиб бахтиёр яшасин.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**
**халқ артисти.**

### КИМЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Америка Қўшма Штатларида юз берган фожеали воқеа ярамни янгилади. Террорчилардан ситам чеккан она сифатида қўлимга қалам олдим. Дунёда бу офат бор экан, одамзот ҳаловатининг бузилиши асло барҳам топмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Динни ниқоб қилиб кўпдан-кўп гуноҳи азим ишларга қўл ураётган, оддий одамларнинг умрига зомин бўлаётган каллакесарларга бўлган нафратимни сўз билан ифода қилолмайман. Қарчиғайдек ўғлим Эломонжон Ватанимиз сарҳадларига суқилиб кирмоқчи бўлган газандаларга қарши жангда ҳалок бўлди. Уни умид билан кутаётгандик. Орзу-ҳавасимиз чилпарчин бўлди. Келин қиламан дея йиққан сарполарим сандиқда сарғайди. На Ватани, на миллати бор касофат кимсаларни ҳеч бир она туғмаган. Уларнинг кули кўкка совурилсин, итдек ўлим топсин.

Қариб қолган бўлсамда, ҳали кўзларим яхши кўради. Юртбошимиз Баёнотини газетадан қайта-қайта ўқидим. Унда биз — оналарнинг қалб нидоси ҳам акс этган. Гапнинг индаллоси шуки, аср вабосига қарши биргаликда аёвсиз кураш олиб борилаётган бир шароитда ҳар сония фойдали, керакли иш билан машғул бўлайлик. Турли уйдирмалар, қўрқитишлар, миш-мишларга парво қилмайлик. Ахир, биз киммиз, томиримиз қаердалигини унутмайлик. Аёл сифатидаги истагим шуки, йигирма йилдан ошиқ вақтдан буён уруш кетаётган жафокаш афғон юртида ҳам тезроқ тинчлик-осойишталик ўрнатилсин. Ўша ердаги оналар ҳам ҳар тонгни бехавотир, осойишта қаршиласинлар!

**Янглиш ОТАЖОНОВА,**
**Сирдарё туманидаги «Сирдарё» ширкат хўжалиги аъзоси.**

## ОГОҲ БЎЛИБ ЯШАШ

### мавсумий масала эмас

Мен бевосита Афғонистон билан чегарадош бўлган ҳудудда яшайман. Қўшни мамлакатда Усама бин Лодин бошчилигидаги газандаларга қандай зарба берилаётганлиги ҳақидаги хабарлардан ҳар куни огоҳ бўлиб турибмиз. Айрим хорижий ахборот воситалари ҳақиқатни бўяб кўрсатаётганлиги, кимлардир миш-мишга зўр бераётганлиги ва умуман Термиздаги ҳаётни нотўғри талқин этаётганлигига ҳайронман. Амударё Термиз яқинидан оқиб ўтади. Қадрдонларим ери Афғонистонга деярли туташ бўлган «Халқобод» хўжалиги далаларида пахта теришмоқда. Куни кеча мен ҳам ҳашар қилиб қайтдим. Одамлар ўз ишлари билан машғул. Бу ерда пахта мўл бўлибди. Ойнаванд даладаги лимонларни айтмайсизми. Ноз-неъмат бунёдкорлари яхши ишлаб, кўнгилдагидек натижаларга эришиб, мўмай даромад олишмоқда. Тўйлар қилишмоқда, уйлар қуришмоқда...

**Нуриддин ЧОРШАНБИЕВ,**
**Шеробод туманидаги Э.Бердиев номли жамоа хўжалиги аъзоси.**

Кейинги йилларда террорчи деб ном чиқарган муртадларнинг қилмишлари тўғрисидаги хабарларни эшитиб, ўйга толамиз. Улар кимлар ўзи? Улар инсоният бошига битган бало. 1999 йилнинг 16 февралидаги воқеалардан кейин террорчилар кимлигини, уларнинг асл башарасини яхши ажратиб олдик.

## ЖАФО ҚИЛГАН ЖАФО ТОПАЖАК

Одам боласи борки, яхши умид билан яшайди, меҳнат қилади. Ўзим ҳам ишчи оиласиданман. Умрдошим билан тўққиз фарзандни вояга етказдик. Ҳозирги кунда улар эл ишига камарбаста бўлмоқдалар. Ўзаро суҳбат чоғида: ота, агар лозим бўлса, биз — ака-укалар инсониятнинг умумий душмани бўлган террорчилар билан курашишга тайёрмиз, уларни ер билан яксон қиламиз, дейишади. Шунда беқиёс даражада ғурурланаман. Энди ўзингиз ўйланг, мустақил Ўзбекистонимизда бундай шербилак, эътиқодли ўғлонлар қанчадан-қанча. Қолаверса, одил, жасур Президентимиз бошимиз узра соябон. Шунинг учун ҳеч қачон ҳеч кимдан қўрқиш йўқ. Фақат огоҳ бўлишимиз, ҳушёрлик, бу мавсумий масала эмаслигини қалбдан ҳис қилсак бўлгани.

**Зубайдулло ЭШМУРОДОВ,**
**Оқдарё туманидаги Ровот қишлоғи.**

## ТЎРТКЎЛ — БЕРУНИЙ:

### 100 минг аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди

Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Яқинда Беруний ва Тўрткўл шаҳарларида истиқомат қилувчи 100 минг нафардан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувдан тўла баҳраманд этилди.

Тендр танловида ғолиб чиққан Эрон Ислом Республикасининг «Собир-Шимбор» компанияси бу ишни муваффақиятли амалга оширди. Компаниянинг участка бошлиғи жаноб Аҳмад Искандарийни Беруний туманида тоза сув сақлаш ва тақсимлаш минораси очилган куни учратдик. Бу ер шу куни ўзига хос тўйхонага айланди. Одамларнинг қувончи чексиз эди.

Баландлиги 38 метрли бу ажойиб сув минораси орқали бир кеча-кундузда 500 куб метр сув хлорланиб, Беруний шаҳридаги 14 маҳалла аҳолисига етказиб берилмоқда. Бундай хайрли ишлар бошқа туманларда ҳам амалга оширила бошланди.

Эронлик мутахассислар билан бирга Жайҳун акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси газ қурилиш механизациялашган кўчма жамлама ишчи-хизматчилари ҳам елкама-елка туриб меҳнат қилишяпти.

**Б.ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Суратда: Берунийдаги сув минораси.

## Сўнгги хабарлар оқимидан

### АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Америка Қўшма Штатларининг террорчиларга қарши кураши камида икки йил давом этади ва бошқа давлатларни ҳам қамраб олади. АҚШ президенти Осиё-Тинч океани давлатларининг Шанхай саммитида иштирок этиш учун жўнаб кетиш олдидан осиёлик журналистларга берган интервьюсида шу ҳақда маълум қилди. Терроризм хавфи Афғонистон билан чегараланиб қолмайди, дея таъкидлади Оқ уй раҳбари. Унинг сўзларига қараганда, яна бир нечта мамлакатларда террорчилар у ёки бу йўсинда макон қуриб олишган. «Улар таг-томири билан йўқ қилинмас экан, уруш ҳам давом этаверади», - деди президент.

### ҲАВО ЗАРБАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Пентагон расмий вакилларининг таъкидлашича, Афғонистон ҳудудида олиб борилаётган антитеррористик операция ва ракета-бомба зарбалари камида бир ой давом этиб, ноябр ойининг ўрталаригача чўзилади. АҚШ мудофаа вазирлигида террорчилар ўрнашиб олган янги маконларнинг рўйхати тузиляпти. Берилган маълумотларга қараганда, бу нишонлар нафақат Афғонистон, балки Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам жойлашган.

### ХАЙРИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИММАТИ

Америка хайрия ташкилотлари 11 сентябрда содир этилган террористик акт қурбонларига ёрдам бериш мақсадида бир миллиард доллардан ортиқ маблағ йиғишди. Ҳозирда хайрия кўлами бироз пасайган бўлса-да, молиявий тушумлар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Бу ташкилотлар ўртасида Қизил Хоч жамияти етакчилик қилмоқда. Улар томонидан шу кунгача 452 миллион доллар маблағ йиғилди. Фуқаролар энг камида беш минг доллардан хайрия қилишган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# ҚИШЛОҚ МАКТАБИ

## Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга оширяпти

***Чекка бир қишлоқдаги мактаб ўқувчисининг Америка, Япония каби давлатларга бориб ўқиши, дунё кезиб, тажриба орттириши илгари кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Бу мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши ва ҳаётга изчил тадбиқ этилиши шарофатидир.***

Ана шу дастуриламал асосида эндиликда мактабларда ёшларга таълим-тарбия бериш усуллари тубдан ўзгарди. Илм даргоҳларини компьютерлаштириш, билим мезонини рейтинг асосида баҳолаш, қолаверса, келажак авлодга дунёвий фанлар қаторида ҳуқуқ, иқтисод фанлари ўргатилиши йўлга қўйилди.

А.Юсупов номли 1-махсус интернат-мактаби Шаҳрисабз туманидаги намунали илм даргоҳларидан бири. Бу ерда асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари таҳсил кўради. Ёшларнинг баркамол билим олиши учун мактабда барча шарт-шароитлар муҳайё: бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак берилмоқда.

Ростини айтганда ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Бозор шароити уларни изланишга, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ундамоқда. Шу боис тадбиркорлик ишларини ривожлантириш масалалари диққат марказидан тушмаяпти. Айтайлик, бюджетдан ажратилаётган маблағдан ташқари сарф-харажатларнинг қарийб 25 фоизига шу ернинг ўзида замин яратилмоқда. Яъни, ўқувчи ва ўқитувчилар меҳнати билан боғ, экинзорлар барпо этилган.

Ҳар йили ҳўл мева, картошка ва бошқа полиз экинлари маҳсулотлари шу ернинг ўзидан чиқади. Унинг бир қисми кундалик эҳтиёж учун сарфланса, ортиқчаси бозордагидан арзон нархда аҳолига сотилади. Шунинг ҳисобидан илмгоҳ бинолари таъмирланиб, ўқитувчилар ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланяпти.

Таълим-тарбиянинг янада такомиллашувида оталиқ ташкилотларининг ҳам улуши салмоқли. Айниқса, «Ҳисорак» сув омборидан фойдаланиш бошқармаси ҳамда «Хумо» жамоа корхонасининг кўрсатаётган беминнат ёрдамлари оммавий спорт турларини ривожлантириш, мутахассисларни қўшимча маблағ билан таъминлаш имконини бермоқда.

Ҳар бир фан чуқурлаштирилган, кундалик матбуот материаллари, кўргазмали қуроллар ва бошқа қўшимча қўлланмаларга таянилган ҳолда ўтилади.

— Шуларнинг самараси ўлароқ, ўтган беш йилда бир неча нафар ўқувчи туман, вилоят ва республикада фан олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Илмгоҳ тасарруфидаги «Фольклор этнографик даста» эса Самарқанд шаҳрида ўтказилган ҳудудий Республика «Санъат байрами»да олқишларга сазовор бўлди.

— Миллий дастур асосида дарслар ўтилаётгани ўқувчилар билимини ошириш билан бирга уларни ижодий фикрлаш ва эркин изланишга ўргатмоқда, — дейди интернат-мактабининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Баратжон Ҳусаинов. — Жамоанинг асосий вазифаси ёшларни баркамол этиб тарбиялашдан ташқари уларни мактабданоқ ҳаётга тайёрлаш, иқтисодий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашдан иборат. Шу маънода «Ўзбекистон — Ватанимиз», «Ўз уйингни ўзинг асра!», «Ким бўлсам экан», «Ҳуқуқий билимни ўрганамиз», «Конституция — ифтихоримиз» каби мавзулардаги ўқувчилараро семинар-кенгашларнинг нафи катта бўляпти.

Мактабнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтгани кутилган натижалар бермоқда. Жумладан, жорий йилда 6 тонна картошка, 1000 боғ пичан ва ёғочбоп қурилиш материаллари тайёрланиб, аҳолига сотилди. Бу ўқитувчилар ойлик маошларига 3 минг сўмдан қўшимча тўлаш имконини бераяпти.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**







Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида 2600 нафардан ортиқ турли миллат кишилари қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар. Корхонада Оналар ва болалар йили муносабати билан аёлларга алоҳида имтиёзлар яратилган. Ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт билан ошно этиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Мураббийчилик ҳаракати шарофати ила ёшлар замонавий технологияни моҳирлик билан бошқариш, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш сирларини пухта ўзлаштириб олмоқдалар.

**Суратларда: бирлашма ҳаётидан лавҳалар.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ФОЙДАСИ

Касаба уюшма қўмитамиз мактаб маъмурияти билан тузган жамоа шартномасига биноан устоз-муаллимлар ва ўқувчиларга яхши шароит яратилди. Синф хоналарининг барчаси махсус фанларга тегишли ўқув кўргазмалари билан безатилиб, фан кабинетларига айлантирилди. Ҳар бир аниқ фанлар бўйича тўгараклар ташкил этилди. Мактабимизнинг 60 сотих ер майдонидан олинган 4000 килограмм буғдой ва 2000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини сотиб, эвазига табиий газ келтирдик.

Ўқитувчиларимиз табиий газ ва тоза ичимлик сувидан бепул фойдаланишади. Шунингдек, ҳар ойда электр энергиясининг 110 киловвати учун пул тўламаслик имтиёзидан фойдаланмоқдалар. Кам таъминланган хизматчимиз ўғли Абрай Боймуродовнинг олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиши учун пулларини «Алпомиш» ширкат хўжалиги тўлаб бераяпти. Ходимларимизга хўжалик томонидан буғдой, 2 тонна ўсимлик ёғи, кунжара ва шулха энг арзон нархда сотилди. Тажрибали педагог ўғлининг операцияси харажатлари эса касаба уюшма қўмитамиз томонидан қопланди.

**Берди ШОМУРОДОВ,**
**Олтинсой туманидаги 59-умумтаълим ўрта мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## КАТТА ҲАШАР

Бу билим маскани ёш авлодни қучоғига олганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аммо билимга чанқоқ, қалби қайноқ ёшларга таълим-тарбия бериш борасида тилга тушди. Яқинда бу ерда давра суҳбати бўлиб ўтди. Бугуннинг ўқувчи ва ўқитувчиси қандай бўлиши керак ҳамда ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги бурчлари юзасидан қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дарвоқе, қишлоқ аҳлининг ҳашарга бош қўшганлиги туфайли бино тез фурсатларда фойдаланишга топширилди.

Эски мактаб эса ер қимирлаш оқибатида анчагина зарар кўрган эди. Шукрким, кўпчиликнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли қишлоқда ҳам замонавий мактаб қуриб битказилди. Бундан барча аҳоли мамнун.

Бугун ёруғ ва шинам, компьютерлар билан таъминланган синфхоналарни кўриб кўз қувнайди. Стадион доимо ёшлар билан гавжум.

**З.ШЕРМАТОВА,**
**Қамаши туманидаги Атоий номли мактаб ўқитувчиси.**

## Қарс икки қўлдан

***Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси 530 минг нафардан зиёд абонентларга хизмат кўрсатади. 1,5 минг нафарга яқин ходимларимиз юқоридаги мижозларга узлуксиз электр энергияси етказиб бериш билан шуғулланишади. Истеъмолчилар томонидан фойдаланилган электр энергия ҳақини ўз вақтида ундириш ҳам асосий вазифамизга киради. Ундан фойдаланиш қоидаларини бузган фуқароларга тегишли чора кўрилади. Дебитор қарзларни камайтириш ҳам муҳим масалалардан биридир.***

# ҲАҚИНИ ТЎЛАНГУ — ХОТИРЖАМ ЯШАНГ

Маълумки, керакли миқдордаги электр энергиясини ишлаб чиқариш учун катта маблағ сарф қилинади. Биз устига вақти-вақти билан электр станцияларини таъмирлаш ёки алмаштириш зарурати туғилади. Шу боисдан уларнинг бетўхтов ишлаши учун мижозлар ўзлари сарф қилган электр энергия ҳақини вақтида тўлашлари шарт.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, кўплаб истеъмолчиларимиз электр энергия ҳақини ўз вақтида тўлаб келмоқда. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек улар орасида анчадан бери қарзини узмай келаётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, шаҳримизнинг Қушбеги мавзеси, 15-уй, 92-хонадонда яшовчи фуқаро В.Колясов корхонамиздан 29 минг 700 сўм қарзи бор. Чилонзор тумани 19-мавзе, 44-уй, 30-хонадонда истиқомат қилаётган В.Дудин эса 1996 йилдан бери электр қувватидан фойдаланиб келади-ю, аммо бунинг учун ҳақ тўлашни «унутиб» қўймоқда. Огоҳлантиришларимиз кор қилмагач унинг ишини судга оширишга мажбур бўлдик. Умуман, яқинда 30 нафардан ортиқ жисмоний шахс қарзи суд орқали ундириб олинди.

Аҳоли ўртасида онда-сонда бўлсада электр энергияси ўғрилари ҳам учраб туради. Мисол учун Чилонзор туманидаги 2-мавзе, 59-уй, 12-хонадонда яшовчи Е.Дудкина шундайлардан бўлиб чиқди. У электр қуввати ҳисоблагичи ойнаси ичига фотоплёнка қистириб, дисканинг айланишини тўхтатиб қўйган. Натижада у 12 минг 632 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Юнусобод туманининг 14-мавзеси, 42-уй, 2-хонадонида истиқомат қилувчи З.Абдуллаевага ҳам электр энергиясидан фойдаланиш қоидасини бузганлиги учун 11 минг 88 сўм жарима солинди. Акмал Икромов туманида яшовчи М.Муҳаммаджонов эса электр нуридан рухсатсиз фойдаланганлиги учун 16 минг 848 сўмлик жаримага тортилди.

Ҳозирги кунда юқоридаги каби қоида бузарликларни аниқлаш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш учун 200 нафардан зиёд назоратчиларимиз жалб қилинган. Улар маҳаллаларда бўлиб, қарздорларни аниқлайдилар ва уларни дастлаб огоҳлантирадилар. Бундан ташқари, корхонамизда ташкил этилган сайёр кассирлар қарзларни жойларнинг ўзида ундириб олишаяпти. Телевидение, радио ва матуот нашрларида чиқишлар қилиниб, электр энергияси ҳақини вақтида тўлашнинг аҳамияти тушунтирилмоқда.

Бундай тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

**Маҳамаджон ИКРОМОВ,**
**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари**

# ЕР СОЛИҒИДАН КИМЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ?

**Саволингизга ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради**

**САВОЛ: Ер солиғидан кимлар озод қилинади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Р.Шоймардонов, И.Абдушукуров ва бошқалар, Қамаши тумани, Чим қишлоғи.**

**ЖАВОБ**: Солиқ Кодекcининг 102-моддасига биноан айрим тоифадаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганлардан ташқари;

2) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари — ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга оширишда уларга ажратилган ер участкалари учун;

3) деҳқон (фермер) хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

4) чет эл сармоялари иштирокида, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар — рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;

5) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно);

6) (6-банд чиқариб ташланган)

7) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар — ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим;

8) мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиёт олишга сарфласа;

9) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.

**ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА**

Ушбу модданинг биринчи қисми 3 ва 4-бандларида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ миқдори уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) Уруш ва Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

10) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.

Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Конимех туманидаги «Сарибел» қоракўлчилик ширкат хўжалигида яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Уч бош» кичик корхонаси хайрли ишга қўл урди. Яйловларда чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган 400 нафарга яқин чўпончўлиқни бепул қишлик кийим-бош билан таъминлади.

## ИССИҚ КИЙИМ БЕПУЛ

Корхонани ака-ука тадбиркорлар Эсонали ва Қўшомон Узоқов ўзларининг шахсий сармояси ҳисобидан бунёд этди. Бу ерда ностандарт қоракўл терилар ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Улардан ўн хилга яқин кийим-кечак тайёрланади. Келгуси йилдан бошлаб хўжаликда 1 минг 200 тоннадан ортиқ жунни қайта ишлаш режалаштирилмоқда.

Туманда ҳозирда ана шундай кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 100 тага етди. Натижада 500 нафар иш ўрни яратилди.

**(ЎзА).**

## ЯНГИ АЛОҚА СТАНЦИЯСИ

Жиззах вилоятининг Пахтакор туман электр алоқаси бўлимида саккиз рақамли икки минг абонентга хизмат кўрсатадиган янги шаҳарлараро алоқа станцияси ишга туширилди. Туман аҳолиси эндиликда дунёнинг хоҳлаган мамлакати билан алоқа боғлаш имконига эга бўлди.

# ФАОЛИЯТ ЭСКИ НИЗОМ АСОСИДА...

***Жиззах вилояти адлия бошқармаси ўз ваколати доирасида Мирзачўл туманида тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг меъёрий ҳужжатлари ижроси қандай бажарилаётганлиги масаласини ўрганиб чиқди. Натижада бу борада қатор камчилик ва нуқсонлар борлиги аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан адлия бошқармаси ходимлари ўзларининг амалий ёрдам ва таклифларини беришди.***

Мирзачўл туман статистика ва ҳисобот маркази вилоятда амалга ошириладиган текширишлар муддати мувофиқлаштириш кенгаши томонидан аниқ белгилаб берилган бўлса-да, бунга риоя этмаяпти. Масалан, шу йилнинг 1 авғустигача 5 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти текширилиши зарур бўлган бўлса, шуларнинг 2 тасида ҳеч бир сабабсиз текшириш ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида қонун бузилишга йўл қўймаслик тамойиллари белгилаб берилган. Шунга қарамай, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги муҳандиси Ж.Тўрабетов 12250 сўмлик жаримага тортилган, лекин, унга қарор нусхаси берилмаган, маъмурий баённомага ҳуқуқбузар имзоси қўйилмаган. «Мирзачўл» ширкат хўжалиги бош муҳандиси А.Сайратов 12250 сўмлик жаримага тортилган, аммо маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорда туман статистика ва ҳисобот маркази раҳбари З.Пардаевнинг имзоси йўқ.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш давомида Давлат инспекцияси туман бўлими фаолиятида ҳам қатор нуқсонлар борлиги аниқланди. Жорий йилда туманда 290 та фермер хўжалиги 11447 тонна пахта хом ашёси етиштириб бериш юзасидан тайёрлов идоралари билан контрактация шартномаси тузган. Бироқ уларнинг негадир барчаси адлиявий хулосаси олинмаган тарзда тузилган. Бу — қонунга хилофдир. Бундан ташқари, тузилган шартномаларда хўжалик, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи банкларнинг ҳисоб рақамлари, реквизитлари, манзили ва раҳбарларнинг исми-шарифлари ёзилмасада Давлат инспекцияси туман бўлимида рўйхатдан ўтказиб юборилган.

Инспекциянинг туман бўлимида бош инспектор К.Оролбековнинг эътиборсизлиги туфайли текшириш ўтказилиши режалаштирилган хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказилмаганлиги аниқланди. Масалан, Мирзачўл «Деҳқон буюм бозори»да 1 апрелдан 1 майгача текшириш ўтказиш белгиланган бўлса-да, ҳеч бир сабабсиз бу тадбир амалга ошмай қолаверган.

Бундан ташқари, тадбир режада белгиланган кунларда ўтказилмаган. Натижада бундай ҳолат хўжалик юритувчи субъектлар учун ноқулайлик келтирган. Туман пилла қуритиш корхонаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасида ўтказилган текширишлар бунга мисол бўла олади. Ажабланарлиси шундаки, текшириш далолатномалари нусхаси, ҳатто, мазкур идораларга берилмаган.

Боз устига, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар фаолиятини бевосита ҳимоя қилиб, уларни ривожлантиришга даъват этилган туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасидаги бугунги аҳвол ташвишли эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳамон эски Низом асосида фаолият юритилмоқда. Оқибатда деҳқон ва фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш тартибига ҳамон амал қилинмаяпти. Ҳукумат қарорида фермер хўжаликларини янгидан ташкил этишда комиссия ҳужжатларни олган кундан бошлаб 15 кун ичида рўйхатга олиш тўғрисидаги ўз хулосасини туман ҳокимлигига тақдим этиши кўрсатилган бўлса-да, уюшмада тегишли ҳужжатлар 2-3 ойлаб тақдим этилмасдан қолиб кетаверган.

Туманда фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича 18 кишидан иборат комиссия ташкил этилган. Лекин, бўлажак фермер хўжалиги раҳбарлари ўз вақтини сарфлаб, ҳужжатга имзо чектириш учун ойлаб сарсон-саргардон бўлмоқдалар.

**Таажжуб!**

Туман ДФХ уюшмаси тасарруфида 321 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса-да, унга ихтиёрий равишда қабул қилинган тадбиркорлардан ёзма равишда ариза олинмаган.

Уюшмада хат ва аризаларни рўйхатга олиш китоби юритилмайди. Бунинг оқибатида жойлардан келаётган ариза ва шикоятларни қараб чиқишда уларнинг қонуний муддатларига амал қилинмаяпти. Бу эса ўз навбатида кишиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўляпти.

**Абдурашид АБДУРАИМОВ,**
**Жиззах вилоят адлия бошқармаси бўлим мудири.**

